

Нефть маҳсулотларини етказиб бериш ҳақида
ШАРТНОМА № 1/88

2022 йил « 20 » январ

Кучлик МФЙ

«Кучлик нефт базаси» масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда « Етказиб берувчи » деб юритилади) «Низом» асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Э.Т.Худайшукуров бир тарафдан ва Тошкент вилояти хайвонлар касалликлари ташхиси ва озик овқат маҳсулотлари хавфсизлиги Давлат маркази(кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади) номидан «Низом» асосида фаолият юритувчи раҳбари М. Сағдгарова иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар;

1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.«Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт Маҳсулотлари ўзаро келишилган нархларда белгиланган тартибда етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини олдиндан 100% тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотининг номи	Миқдори (тн)	(1 тн.учун) 20.01.2022 йилдан белгиланган нарх	Ҳақиқатда сотилган маҳсулот нархи (хисоб-фактурага асосан)	суммаси (сумма биржа урточа катировка нархларига асосан узгариши мумкин)
Автобензин Аи-80	2,790	8 600 000,0		23 994 000,00
ЖАМИ				23 994 000,00

1.2.Шартноманинг умумий қиймати 23994000.00 сўмни, шу жумладан ҚҚС 3129652.17 сумни ташкил қилади ва «Истеъмолчи» нефть маҳсулотлари учун тўловни куйидаги (махсус)хисоблардан олдиндан 100% тўлаб беради;

Бюджетдан ташқари (махсус) х/р №: _____ сўм.
Бюджетдан ташқари (махсус) х/р №: _____ сўм.
Бюджетдан ташқари (махсус) х/р №: _____ сўм.

1.3. Шартнома суммаси ёки нархлар ўзгарганда ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

2.МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. “Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га нефть маҳсулотлари “Етказиб берувчи”нинг махсус автотранспортида ёки транзит тартибда етказиб берилади.“Истеъмолчи” маҳсулотни ўзининг автотранспортида олиб кетган тақдирда ҳақ талаб қилинмайди.

2.2.Нефть маҳсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) олдин тўлиқ пул тўлангандан сўнг “Истеъмолчи”нинг талаби асосида амалга оширилади.Нефть маҳсулотлари олиб чиқиб кетилишида автоцистерналар нефть база томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (1510-84 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3. ҲИСОБ-КИТОБНИНГ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1.Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар «Истеъмолчи»нинг тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади. “Истеъмолчи” оладиган нефть маҳсулотлари учун олдиндан 100% маблаглар пул ўтказиш йўли билан белгиланган тартибда мажбуриятини олади.

3.2. Хисоб-китоб ракамига маблаглар келиб тушгач «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га («Истеъмолчи»нинг махсус автотраспортида ёки ижарага олинган автотраспортда олиб кетилиши мумкин. Бунда автотранспортлар барча талабларга жавоб берган тақдирда ружсат этилади) махсулотларни махсус автотранспортларда етказиб беради.

4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть махсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефт базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефт махсулотини олиб чиқишни қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали нефть махсулотларини қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини олаётган вақтда махсулотнинг сифат ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган махсулот сифати Давлат стандарти ва ТШ га мос бўлиши ҳамда бу жўнатилаётган нефть махсулоти учун берилаётган сифат гувоҳномасида акс эттирилиши лозим.

5.3. «Истеъмолчи» нефт махсулотларини қабул қилишда уларнинг сифатини, шунингдек, сифат гувоҳномаси (паспорти)ни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «Етказиб берувчи» асоссиз равишда нефть махсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми учун 0,4 фоиз миқдорда пеня тўлайди, лекин тўланадиган пеня умумий миқдори етказиб берилмаган нефть махсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни, нефть махсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаган ва ҳақозо... оқибатидаги зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ёки хўжалик шартномаси, стандартлар, техник шароитлар, сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефть махсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефть махсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Етказиб берувчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефть махсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар махсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблагни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефть махсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Етказиб берувчи» дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида»ги Қонунга биноан қўлланилади.

6.5. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш туғрисидаги қонун ҳужжалари талабларига амал қилади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайритабиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса, Ўзбекнефтегаз» АЖнинг ва НҚИЗ ларнинг, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАТЙКнинг айби билан ёки махсулот етказиб бериш ҳажми ва муддати юкори

ташкilotлар томонидан ўзгартирилиши муносабати билан бузилса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Махсулотлар мавжуд манбалар асосида етказиб берилади.

9. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ВА ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолангандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иқтисодий судларда ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилади ва ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булади.

9.4. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган вақтдан қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача ҳақиқий ҳисобланади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

«ТАЪМИНОТЧИ»

«O'ZBEKNEFTGAZ» АЖ

«KUCHLIK NEFT BAZASI» МСНҲ

111508, Toshkent viloyati O'rtachirchiq tumani

“Kuchlik” MFY, Iste'dod ko'chasi 58-uy

Tel.: (95) 177-80-91 Бух.: (90) 121-61-68

Asosiy. H/r: 2021 0000 6005 8704 6001

H/r: 2321 0000 6005 8704 6333 фермер хужалик у-н

“ORIENT FINANS” ЧАКБМФО: 01115

INN: 204 640 0100KED: 46710

Директор: Мас/м/3 Э.Т. Худайшукуров.

Ички сотиш бўлими



«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Шошкент вилояти УКБ ва ООМХДН
Шош. ви. Я. Исмаилов Фурқат БИ

У/Р 100021860074 017042135250001

УИН 202007853 МҚО 00014

Марказий банк Шош. ви. У. К. М.

Шош. ви. Ғафозимма бошқармаси

У/Р 23402000500100001010

УИН 202007853

МҚО 00014

МҚО 00014

МҚО 00014

Раҳбар: Саттарова



ЮРИДИК ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (хўжалик шартномалари ҳақидаги умумий қоидалар) 353-354 моддалари, (нефть маҳсулотлари етказиб бериш ҳақидаги умумий қоидалар) 437-456 моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» Қонуннинг 11-бўлим 31, 32, 34-моддаларининг талабларига жавоб беради.

Юрисконсулт



П. Анисимов

